

Мўминнинг уйи мукаддас даргоҳ бўлиши лозим. Шу боис бирор уйга киришдан олдин «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дейилади. Намоз нурдир. Куръони Каримни ўқиш нурдир. Ҳар бир мусулмон мана шу икки нур билан ўз уйини ойдинлатмоғи лозим. Ибн Можа ривоят қилган бир ҳадисда айтилади: «Инсоннинг ўз уйида намоз ўқиши бир нурдир. У холда уйлариғизни нурлантиринг». Шунда Аллоҳ таоло ҳам бу нурли уйга ўз файзу баракотини мўл қилиб қўяди.

Яна Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда: «Аллоҳ намоз сабабли мўминнинг уйида хайрни яратади», деб марҳамат қилинади. Аллоҳнинг хайр-баракати ёғилган уйдан шайтон узоклашади.

Абдуллоҳ исмли бир киши бир куни Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам ): Ё, Расулуллоҳ! Уйда намоз ўқиш афзалроқми ёки масжидда намоз ўқишми? – деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

– Менинг уйим масжидга қанчалик яқин эканини биласан. Фарз қилинган намоздан бошқа намозни уйда ўқиш масжидда ўқишдан афзалдир, – деб марҳамат қилдилар. Нафл намозларини уйда ўқиш афзалдир. Бирок фарз намозларини мўминларнинг масжид ва жомеъларда тўпланиб ўқишлари афзал эканини айтганлар.

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам ): «Уйлариғизни қабристонга айланторманглар», деб марҳамат қилганлар.

Расулуллоҳ бир куни Ҳазрати Абдуллоҳга: «Эй, Абдуллоҳ! Тонг отганида «Кул хуваллоҳу аҳад», «Кул аузу бироббил фалак, «Кул аузу бироббиннаси»ни ўқисанг, ҳар нарсада Аллоҳ сенга қифоя қилур», деб марҳамат қилганлар.

Яна бир ривоятда: «Ўлсанг шаҳид бўлган холда ўласан, яшасанг, мағфират этилган холда яшайсан», деб марҳамат қилинган. Мухаккиқлар бу ҳадисларни кўп ўрганишган ва уни етти мартадан ўқишни ўзларига одат қилишган.

«Бир киши уйига қирар экан, «Кул хуваллоҳу аҳад» сурасини ўқиса, уй аҳли ва қўшниларидан қамбағаллик даф бўлади», деб марҳамат қилинади.

«Бир киши тун ярмида Ёсинни ўқиса, у киши гуноҳлардан қолган холда уйғонади», дейилган.

Яна бир ҳадисда: «Бир киши эрталабга етганида Ёсинни ўқиса, кечга қадар кўнгли хотиржам бўлур, ҳам ва азоблардан холи бўлади. Агар қим қечқурун ўқиса, гуноҳлардан фориғ бўлган холда тонг оттирар», деб марҳамат қилганлар. Ёсин сурасини ўқиган мўмин ҳар қандай ҳам ва балолардан узок бўлади, иши ўнғланади. Қўрқок киши ўқиса, Аллоҳ уни қўрққанидан амин қилади. Сафарга чиққан киши ўқиса, ҳар турли таҳликалардан холи бўлади. Сақоратул мавтда ўқилса, раҳмат фариштаси унга нузул қилиб, азобини енгиллаштиради. Оч қолган киши ўқиса, очликдан халос бўлади. Чанкаган киши ўқиса, чанкоғи даф бўлади, иншааллоҳ.

Ёсин Куръоннинг қалби саналади. Уни туннинг қалбида, яъни ярмида қалб ҳузури билан ўқиса, ҳар қандай давлатга эришади. Моддий чироклар тунда уйлариғизни ойдинлатиб, хавфдан қўриганидек, маънавий чирок бўлган Куръони Карим турли балолардан муҳофаза этади.

